2010 йил 16 февраль, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 31 (11.592)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ




Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

## ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

**Тошкент ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисм ва муассасаларда хизмат қилаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга янги уйларнинг калитлари топширилди.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолини, хусусан, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, замонавий лойиҳалар асосида ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш ва реконструкция қилиш, бундай турар-жойларда юксак талабларга ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ва инфратузилмани яратиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳарбий хизматчиларнинг яшаш шарт-шароитларини янада яхшилаш, уй-жой билан таъминлаш йўлида амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ишлар самарасида кўплаб ҳарбийлар ўз турар-жойига эга бўлмоқда. Жорий йилнинг бошида Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент, Андижон ва Фарғона вилоятларида ўнлаб ҳарбий хизматчиларга янги уйларнинг калитлари топширилгани бунга мисолдир.

Барча зарур шарт-шароит муҳайё этилган бу обод ва кўркам уйларнинг маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар боғчаси, спорт майдончаси, мактаб ва шифохонага яқинлиги ҳарбийлар ва уларнинг оилалари учун кенг қулайлик ва имкониятлар яратмоқда.

Эл-юрт тинчлиги посбонларини уй-жой билан таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат дастури доирасида жойларда замонавий қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда уй-жой қуриш ва реконструкция қилиш ишлари изчил давом этмоқда.

Қурилиш-таъмирлаш, пардозлаш ишлари якунланган пойтахтимизнинг Юнусобод тумани ҳудудидаги 72 хонадонга мўлжалланган турар-жой биносининг фойдаланишга топшириш маросимида бу алоҳида таъкидланди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этган тадбирда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринбосари Т.Ҳамроқулов, Тошкент ахборот технологиялари университети ректори С.Қосимов ва бошқалар юртимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда камарбаста бўлаётган ҳарбий хизматчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш кўлами тобора кенгайиб бораётганини қайд этди.

Ўз уй-жойига эга бўлган ҳар бир фуқаро, у хоҳ ҳарбий ёки бошқа соҳа вакили бўлсин, бундан суюниши, ҳаётга иштиёқи, келажакка ишончи, ўз касби ва Ватанига меҳр-муҳаббати ортиши табиий.

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини тамомлаб, айни пайтда Тошкент ҳарбий округида хизмат қилаётган ёш офицер Улуғбек Соибназаровнинг қувончи чексиз.

— Уч хонали уйга эга бўлдик, — дейди У.Соибназаров. — Янги уй билан танишган оиламнинг хурсандлигини кўринг. Давлатимиз томонидан берилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик биз, ҳарбийларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшади.

Буларнинг барчаси юртимизда Ватан ҳимоячиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар бераётган юксак самаралардандир.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**15 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» маърузасидан келиб чиқадиган Олий Мажлис қуйи палатасининг вазифаларини муҳокама қилиш мажлис кун тартибидаги асосий масала бўлди.

Мазкур масаланинг муҳокамаси вақтида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Улар таъкидладиларки, аввалги чақириқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятидаги давлатимиз раҳбари кўрсатиб ўтган камчиликлар парламент ишининг барча йўналишларини чуқур қайта мушоҳада ва таҳлил қилишни, келгуси беш йиллик даврда амалга ошириладиган қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятининг устувор йўналишларини аниқ белгилаб олишни, Ўзбекистонда олиб борилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар талаблари билан жипс боғлиқ ҳолда чуқур ва ҳар томонлама ишлаб чиқилган, узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастури қабул қилишни тақозо этади. Бунда мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотларнинг қонунчилик ва норматив базасидаги нуқсонларга тезда барҳам беришга, шунингдек, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ижроси устидан парламент назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш таклиф қилинди.

Сўзга чиққанлар ҳозирги кунда 100 дан ортиқ ихтисослашган нодавлат нотижорат ташкилотларни бирлаштириб турган Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатларнинг парламент ишида доимий равишда иштирок этиши муҳим эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Мазкур ҳаракат вакиллари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликни янада ривожлантиришга, ушбу соҳада қабул қилиб бўлинган ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилиши учун марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларининг, шунингдек, турли жамоат ва бошқа тузилмаларнинг масъулиятини ошириш юзасидан тизимли ишни ташкил этишга кўмаклашишлари керак. Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳозирги кунда сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилган бўлиб, депутатнинг юксак минбаридан туриб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ўртага қўйиш ва назорат қилишда, инсон ва мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ва тажовузкорона ўзгаришларидан сақлаб қолишда жуда катта имкониятларга эгадир.

Депутатлар таъкидладиларки, мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида профессионал икки палатали Олий Мажлис олдида турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни ҳал этиш учун парламент иши самарадорлигини ошириш йўлларини тинимсиз излаш, қонунлар ва депутатлик сўровлари ташаббуси билан чиқишда юксак фаоллик ва масъулият, ўз сайловчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишда дадиллик ва изчиллик кўрсатиш зарур. Шу муносабат билан ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан янада таъсирчан жамоатчилик назоратини таъминлаш, мамлакатимизнинг амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатини кенг ёритиш учун сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари ролини кучайтириш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳимдир.

Сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари истиқболга мўлжалланган иш режалари тўғрисида сўзладилар. Бунда Олий Мажлис ҳар иккала палатасининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатиб ўтилган камчиликлар ва устувор йўналишлар ҳисобга олинди, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятини такомиллаштириш юзасидан бир қатор аниқ таклифлар киритилди. Хусусан, депутатларга берилган қонун ташаббускорлиги ҳуқуқидан тез-тез ва янада самарали фойдаланиш, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда партияларнинг дастурий мақсадларини ва сайловчиларнинг манфаатларини кенгроқ ифода этиш таклиф қилинди.

Мажлисда депутатлар ўз округларидаги сайловчилар билан олиб борадиган ишларини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасининг, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини мамлакатимиздаги барча фуқароларга етказиш, қонун ижодкорлиги фаолияти жараёнида одамларнинг фикр-мулоҳазаларини доимо эътиборга олиш муҳимлигини таъкидладилар. Сиёсий партияларнинг парламентдаги вакиллари халқ ва ҳокимият ўртасида воситачи бўлишлари, аҳолининг долзарб муаммоларини тегишли ҳокимият тузилмаларига етказишлари кераклиги таъкидлаб ўтилди. Парламент назоратининг депутатлик сўрови, ҳокимият ижроия органлари раҳбарларининг ижтимоий-иқтисодий ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларидаги ишлар ҳолати тўғрисидаги ахборотини эшитиш каби шаклларидан янада самарали фойдаланиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

(Давоми 3-бетда).

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БЕКТЕМИР** туманида ҳуқуқшунослар, тадбиркорлар, иқтисодчилар иштирокида ўтказилган тадбир текширишларнинг қонунийлигини таъминлаш масалаларига бағишланди.

✓ **ТОШКЕНТ** Давлат аграр университетида таълим маскани маъмурияти, «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти ҳамкорлигида талабалар, ўқитувчилар, адабиётшунослар иштирокида уюштирилган маънавий-маърифий тадбир «Ҳар тенгдошга бир ғазал» деб номланди.

✓ **ТОШКЕНТ** Автомобиль ва йўллар институтида талабалар, ўқитувчилар, соҳа мутахассислари иштирокида автомобиль саноатини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

✓ **АЛИШЕР НАВОИЙ** номидаги тил ва адабиёт институтида олимлар иштирокида ўтказилган тадбирда «Қисқача ўзбекча-татарча мақол-маталлар луғати» китоби нашр этилганлиги маълум қилинди.

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Жиззах, Сирдарё ва Навоий вилоятлари фаоллари йиғилишида асосий эътибор Президентимизнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижросига қаратилди.**
- **«Марғилон Осиё Текс» масъулияти чекланган жамиятига киритилган 1 миллион 400 минг АҚШ долларилик сармоя ҳисобига корхона тўла модернизация қилинди. Натижада жамиятнинг ишлаб чиқариш ҳажми ҳар йили икки бараварга ортиб, якунланган йилда бу ерда 361 тонна калава-ип тайёрланди. Илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишнинг ҳисобига эса 50 га яқин янги иш ўрни яратилди.**
- **Бўстонлиқ туманида жойлашган «Ёшлик» соғломлаштириш мажмуасида 16-22 февраль кунлари «Ёш тадбиркорлар мактаби» фаолият олиб боради. Айтиш керакки, ушбу мактаб «Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш дастури» доирасида ташкил этилган бўлиб, унинг фаолияти ёшларни кичик бизнесга жалб этиш, эндигина иш бошлаган ёш тадбиркорларга методологик ва молиявий ёрдам беришга қаратилган.**
- **Гулистон Давлат университетининг ахборот-ресурс марказида «Мен аскар бўламан» шиори остида ўқувчилар ўртасида кўрик-танлов бўлиб ўтди.**
- **Андижон шаҳрида муҳташам савдо мажмуаси фойдаланишга топширилди. Бу ерда «Андижон-Кўмакай» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан 700 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Ушбу мажмуанинг ишга тушиши натижасида 220 та янги иш ўрни яратилди.**
- **Сирдарё вилоятида МЧЖ Temur med farm фармацевтика фабрикасининг қурилиши бошланди. Ушбу корхонанинг лойиҳа қуввати — бир кеча-кундузда 40 мингта инфузион эритмаларни ишлаб чиқариш имконини беради.**
- **Тошкент вилояти Қибрай туманида сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги МЧЖ Milk hiaven biznes корхонаси фаолият бошлади. Бу ерда замонавий технологиялар асосида ўндан ортиқ турдаги сут маҳсулотлари тайёрланмоқда.**

### ЖАҲОНДА

- **Украина парламенти янги президентнинг инаугурация маросими ўтказиладиган кунни белгилайди.**
- **Исроил бош вазири Б. Нетаньяху Россияни Эронга қарши санкцияларни кучайтиришга даъват этди.**
- **Афғонистон жанубида «Толибон» жангариларига қарши кенг миқёсли ҳарбий ҳаракатлар бошланди. «Муштарак» деб номланган ушбу операцияда АҚШ, Буюк Британия ва Афғонистоннинг жами 15 минг нафар ҳарбийлари иштирок этиши кўзда тутилган. Таъкидлаш жоизки, «Муштарак» ҳарбий ҳаракатлари 2001 йилдан бери давом этаётган толибонларга қарши курашдаги энг йирик операциядир.**
- **Ливан жанубида жойлашган қочқинлар лагерида фаластин фракциялари ўртасида отишмаларнинг тўхтатилиши ҳақидаги битим кучга кирди.**
- **Кеча Индонезия қирғоқларида Рихтер шкаласи бўйича 6,2 балли зилзила содир бўлди.**
- **Кеча эрталаб Бельгия пойтахти Брюссель шаҳри атрофидаги Хале шаҳрида иккита поезднинг ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида 18 киши ҳалок бўлди, 55 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Фалокат сабаби ҳозирча номаълум бўлсада, унга поездлардан бирининг йўл чироқнинг қизил чироғи ёнганига қарамай ўтиб кетганлиги сабаб бўлган дея тахмин қилинмоқда.**
- **Хитойнинг Сичуань музофотидаги Люцзян дарёси устидан ўтган осма кўприкнинг қулаб тушиши оқибатида 28 киши жароҳатланди, улардан 7 нафарининг аҳволи оғирлиги айтилмоқда. Кўприк маҳаллий аҳоли ўз миллий байрамини нишонлаётган пайтда устига меъёридан ортиқча одам чиқиши натижасида қулаган. Фақат бахтли тасодиф туфайлигина ҳеч ким қурбон бўлмади.**
- **Батуми атрофида йирик ўрмон ёнғини юзага келди. Ҳозирда яқин атрофдаги аҳолини хавфсиз жойларга кўчириш ишлари давом этмоқда.**
- **Ғазо секторида Буюк британиялик журналист ҳибсга олинди.**

# ЁШ ТАДБИРКОРЛАРГА ЭЪТИБОР

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида Гёте институти билан ҳамкорликда тадбиркорларга чет тилини замонавий технологиялар асосида ўргатиш йўлга қўйилди.**

Бу ерда турли ўқув марказлари ташкил этилган бўлиб, улардан бири "Redaktion-D" дастури ҳисобланади, бу орқали ўқувчи немис тилини ўрганади. «Туркистон-пресс» хабарига кўра, ушбу курс тингловчилари немис тилидан нафақат анъанавий машғулотлар шаклида, балки масофадан туриб сабоқ олади. Тингловчиларга махсус китоб ва тарқатма материаллар ҳамда масофадан туриб ўқитиш "Redaktion-D" дастури туширилган дисклар тақдим этилган.

Немис тилини мустақил равишда ўрганмоқчи бўлган кўнгиллилар учун Гёте институтининг расмий сайти орқали масофадан сиртдан сабоқ олиш имкониятлари яратилган.

# ОГОҲЛИК ВА ҲУШЁРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

**Мамлакатимизда аҳоли тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳудудларни табиий ҳамда техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, тегишли идоралар ҳамкорлигида аҳоли турар жойлари, савдо шохобчалари, умумий овқатланиш муассасалари ва бозорларда ностандарт газ ускуналаридан ноқонуний фойдаланиш ёки сотилишини тақиқлаш бўйича текширувлар ўтказилмоқда.

Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари қиш мавсумининг айни кунларида ноқонуний ва ностандарт иситиш мосламаларидан фойдаланиш ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бормоқда.

Шайхонтоҳур туманида газ таъминоти бўлими ва ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган ана шундай профилактик тадбирда Янги Белтепа маҳалласи фаоллари, транспорт коллежи талабалари ҳамда мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этди.

— Тадбир иштирокчилари турли табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлиши мумкин бўлган нохуш ҳодисалардан ҳимояланиш, тўғри ҳаракат қилишни ўрганиш бўйича муайян билим ва кўникмага эга бўлди, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги 316-мактаб директори Дилдора Алимова. — Аҳоли осойишталигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлар ҳар биримизни огоҳ ва ҳушёр бўлишга ундайди.

**Х.САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Муҳокама якунлари бўйича депутатлар қарор қабул қилдилар. Унга мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг фаолият дастури лойиҳасини тайёрлаш учун махсус комиссия тузилади. Сиёсий партиялар фракцияларига, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳига ва Қонунчилик палатасининг қўмиталарига қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилашга, муқаддам қабул қилинган ҳуқуқий нормалардан фарқ қиладиган тафовутларга, қайтариқларга барҳам беришга қаратилган чоралар кўриш, ҳавола нормаларини камайтириш тавсия этилди. Уларга назорат вазифаларини режалаштириш ва амалга оширишда 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини ва унда ижтимоий-иқтисодий соҳани барқарор ривожлантириш, Олий Мажлис томонидан тасдиқланган 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолининг бандлигини таъминлаш дастурини сўзсиз бажариш юзасидан назарда тутилган чора-тадбирларни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратиш таклиф қилинди.

Қонун ижодкорлиги соҳасидаги стратегия ва вазифаларни белгилашда жамият ва давлат қурилиши тизимида фуқаролик жамияти институтларининг, шу жумладан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини кенгайтиришга, маҳаллани аниқ йўналтирилган ҳолда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга устувор аҳамият қаратиш режалаштирилмоқда.

Депутатлар мамлакат вазирликлари ва идораларининг бундан буёнги фаолиятини такомиллаштириш, қабул қилинган қонунларнинг давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органлари томонидан ижро этилиши устидан парламент назоратини кучайтириш юзасидан ҳар томонлама пухта тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида Ҳукумат аъзоларининг, вазирлик ва идоралар раҳбарларининг тегишли тармоқларда қонунлар, ўта муҳим давлат дастурларининг ижроси тўғрисидаги ахборотини эшитишни ва муҳокама қилишни ҳам назарда тутмоқдалар.

Қонунчилик палатаси ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам равишда янгилаб борган ҳолда иқтисодиётни ва ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш жараёнлари аниқ ва кенг кўламда ўзаро боғлиқ бўлишини таъминлашга, фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини мустаҳкамлашга, нодавлат ОАВ фаолиятини янада эркинлаштириш ва жонлантиришга, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида назарда тутилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга, Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузасидан келиб чиқадиган қоидалар ва вазифаларни ҳаётга сўзсиз татбиқ этиш, қабул қилинадиган қонунларнинг моҳиятини тушунтириш бўйича сайловчилар билан мунтазам иш олиб боришга ҳам ўз саъй-ҳаракатларини қаратиш ниятидадир.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг) 2009 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ҳам кўриб чиқилди. Ушбу масала бўйича Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил С.Рашидова сўзга чиқди. Ушбу ҳужжатнинг муҳокамаси чоғида депутатлар Омбудсманнинг ўтган йилдаги фаолияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари билан, барча бўғинлардаги давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга қаратилганлиги хусусида тўхталдилар. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунларнинг амалда қўлланилиши мониторингини юритиш, парламент қўмиталари, ҳукумат, вазирликлар ва идоралар қабул қилган қонунларнинг экспертизаси, миллий қонунчиликни умумэътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормалари билан мувофиқлаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида катта иш амалга оширилди.

Омбудсманнинг Олий Мажлис қуйи палатаси билан ҳамкорлиги нафақат қонун лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасини ўтказишга, балки назорат-таҳлил фаолиятида иштирок этишга, қонунчиликка риоя этилиши мониторингининг якунлари бўйича ахборот алмашишга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этиш ва ўтказишга ҳам қаратилди.

Фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилаётганлиги тўғрисидаги шикоят ҳамда мурожаатларини кўриб чиқиш, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларни тиклаш бўйича чора-тадбирлар кўриш Омбудсман фаолиятининг асосий йўналишини ташкил қилди. Ҳисобот даврида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилга фуқаролардан 10409 та ёки 2008 йилдагига нисбатан 1,3 марта кўп мурожаат келиб тушди. Бу маълумотлар мамлакатимизда Омбудсман каби фуқароларнинг ҳуқуқларини суддан ташқари ҳимоя қилиш органига нисбатан аҳолининг ижтимоий ишончи ошганлигидан далолат беради.

Муҳокама чоғида депутатлар Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг иккала палата билан ҳисобот давридаги ҳамкорлиги самарадорлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича барча миллий институтлар саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни бундан буён ҳам давом эттириш зарурлигини, ушбу соҳадаги ҳуқуқий ахборот ва қабул қилинган қонун ҳужжатлари ижроси устидан назорат қилишда фуқаролик жамияти тузилмалари билан ҳамкорлик муҳимлигини таъкидладилар.

Депутатлар баён қилган фикр-мулоҳазалар инобатга олинган ҳолда Қонунчилик палатаси Омбудсманнинг ҳисоботини тасдиқлаб тегишли қарор қабул қилди.

**(ЎзА)**

Маънавият

# КУТУБХОНА ЯНГИ БИНОДА

**Республика Ахборот-кутубхона маркази янги бинода иш бошлади. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги кўмаги билан бунёд этилган бу бинода марказ фаолиятини юритиш учун қатор қулайликлар муҳайё қилинди.**

Республика Ахборот-кутубхона марказининг жойлардаги саккизта филиали библиоавтобуслар билан таъминланди. Бу билан турли нашрларни кенг оммалаштириш учун қулайлик яратилди. Ёш дастурчиларни тайёрлаш, китобхонлар конференцияларини ўтказиш режалари ишлаб чиқилиб, маънавий тарғибот ишлари ривож топмоқда.

Айтиб ўтиш жоизки, яқинда марказ фонди машҳур рубоийнавис шоир Умар Ҳайёмнинг рус тилидаги «Рубоийлар тўплами» билан бойиди.

Ушбу китоб Москвадаги «Информнаука» матбаа компанияси томонидан тақдим этилди. Россиядаги «Наука» нашриётида янги чоп қилинган бу китоб ўзига хосноширлик санъати ва чиройли дизайни билан мухлислар эътиборини ўзига жалб этади. Бундан олдин Москвада Умар Ҳайёмнинг биринчи шеърий тўплами ҳам босма юзини кўрган эди.

# ИНТЕРНЕТДА ЭНЦИКЛОПЕДИЯЛАР

**Бугунги кунда Интернет сайтларида маълумотларни тарқатувчи энциклопедиялар мавжуд. Улар орасида Википедия қомуси алоҳида ажралиб туради. Ўзбек тилидаги Википедия тузилганига беш йил бўлди.**

Шу ўтган давр мобайнида унга ўзбек тилидаги етти мингдан ортиқ мақола жойлаштирилди. Буларнинг аксарияти бошқа тиллардан таржима қилинган ҳолда юзага келди.

Ўзбек Википедияси бойиб бормоқда. Айни вақтда ўзбек тилининг таълим ва ахборот алмашишдаги мавқеини оширишга ҳам эришилмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

# ҲУҚУҚИЙ БАРКАМОЛЛИК – ЕТУКЛИК ОМИЛИ

**Тошкент менежмент ва технологиялар коллежида "Баркамол авлод йили" муносабати билан "Ҳуқуқий етуклик баркамолликка элтади" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.**

Адлия вазирлиги ҳузуридаги ҳуқуқий тарғибот гуруҳи ва коллеж ўқитувчилари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда 350 нафар ўқувчи иштирок этди.

Давра суҳбатини ташкил этишдан асосий мақсад, ёшларнинг Бош Қомусимиз борасидаги билимларини мустаҳкамлаш, эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстириш, шунингдек ижтимоий фаоллигини оширишдан иборатдир.

Очиқ мулоқотда ҳуқуқий тарғибот гуруҳининг ёш ҳуқуқшунослари "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция, Ўзбекистон Республикасида 2008 йилда қабул қилинган "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги Қонун юзасидан тушунтиришлар беришди.

Баҳс-мунозарага бой бўлган учрашувда одам савдоси, экология маданияти, солиқларнинг давлат ва жамият олдидаги аҳамияти, репродуктив саломатлик, тиббий маданиятни юксалтириш бўйича тавсиялар берилди.

– Бугунги тадбир коллежимиз ўқувчилари учун айни муддао бўлди. Улар ўз ҳуқуқи, бурчи тўғрисида билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлашди, – дейди коллеж директори Зиёдулла Эрматов. – Коллежимизда 1074 нафар ёшлар "Меҳмонхона хўжалиги ва ресторан бизнеси", "Менежмент", "Бухгалтерия ҳисоби" йўналишларида таҳсил олмоқда. Замонавий компьютер хоналари, чет эл технологияси асосида жиҳозланган "Пазанда" ўқув ишлаб чиқариш лабораторияси, кенг, ёруғ спорт зали ўқувчилар ихтиёрида.

**Акбар ЖИЯНОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**1.** Аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан, Тошкент ш, С.Раҳимов т, Қорасарой, Сариқ-сув тор, 2-берк кўчасида жойлашган, қарздор Миралиев Б.Т.га тегишли, умумий майдони 928,0 кв.м., 6 та хона, 2 та ҳаммом, равон, ертўла, ошхона, 2 та соябон ва гараждан иборат бўлган 24-уй қўйилмоқда (ижро ҳужжати 05.01.09 й, №1-35/09). Бошланғич баҳоси – 232 503 000 сўм.

**2.** Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан, Тошкент ш, Шайхонтоҳур т, Гулханий кўчаси, 4-уй, 3-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 62,0 кв.м., бўлган 4 қаватли бинонинг 1-қавати қисмида жойлашган Савдо ва компьютер хизматига мўлжалланган нотурар жой биноси қўйилмоқда. (ижро ҳужжати 16.11.09й,1934/09). Бошланғич баҳоси – 52 500 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 23 март куни соат 11:00да бўлиб ўтади.**

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги мулклар 2010 йил 23 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 6 апрель куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

**Шунингдек, 2010 йил 9 март куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран Яккасарой тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

**I. УК "Газчитранс" корхонасида сақланаётган (11.12.2008й, №2-70,2907 ижро ҳужжати): 1**. Даймлер бенц "Актрос" русумли, д/р 30P0498 бўлган, 1998 йилда и/ч, юк автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 60 929 820 сўм ва унинг "Fruehauf" русумли, д/р 10G059 бўлган, 1990 йилда и/ч тиркамаси. Бошланғич баҳоси – 46 768 266 сўм. **2.** "VOLVO FH 12" русумли, д/р 18S0002 бўлган, 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 56 752 650 сўм ва унинг "Trailors 383FL1A" русумли, д/р 18C210 бўлган, 1991 йилда и/ч тиркамаси. Бошланғич баҳоси – 49 564 710 сўм. **3.** "VOLVO FH 12" русумли, д/р 18H0471 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 53 632 530 сўм ва унинг "Fruehauf" русумли, д/р 18C320 бўлган, 1991 йилда и/ч тиркамаси. Бошланғич баҳоси – 49 324 140 сўм. **4.** "Камаз 5320" русумли, д/р 18AE862 бўлган, 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 14 892 012 сўм. **5.**"Камаз 53212" русумли, д/р ва и/ч номаълум бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 13 769 352 сўм.

**- "Шарқли мелиса" МЧЖга қарашли (Мўйноқ) жарима майдончасида сақланаётган: 6.** "Камаз 53212" русумли, д/р 18S7789 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 15 810 552 сўм. **7.** "ЗИЛ 130-ГБА СПГ" русумли, д/р 18N5076 бўлган, 1973 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 067 091 сўм. **8.** "ВАЗ-2103" русумли, д/р 30P4422 бўлган, 1977 йилда и/ч, Тошкент ш, "Себзор" жарима майдончасида сақланаётган автотранспорт воситаси. (ижро ҳужжати 04.04.09й, №1-383-09). Бошланғич баҳоси – 2 580 660 сўм.

**II. "Мўйноқ" жарима майдонида сақланаётган (ижро ҳужжати 06.02.09й, №2-70): 1.** "Нексия Донс" русумли, д/р 30E7447, 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 9 264 198 сўм; **2.** "ВАЗ-21074" русумли, д/р 18N0785 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 539 378 сўм; **3.** "ВАЗ-21070-120-21" русумли, д/р 10O0540 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 6 462 323 сўм; **4.** "ВАЗ-21093" русумли, д/р 18B0058 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 559 174 сўм.

**Учтепа тумани СИБ томонидан**, 27.10.08й, №10-0807/13984, 09.10.08й, №10-0815/10782, 06.03.09й, №10-0906/544, 06.03.09й, №10-0906/534, 27.04.09й, №10-0906/3095, 18.05.09й, №10-0906/4820 ижро ҳужжатларига асосан, Чилонзор м-зе, Учтепа т, Д-20, 46-уйда сақланаётган, "ГАЗ-3102951" русумли, д/р 10AT910 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 077 201,06 сўм.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 %дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзилимиз: Тошкент ш., С.Раҳимов т., Қорақамиш 1-кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

**АТИБ «Ипотека банк» Меҳнат филиали ёлланма-кассирлари томонидан йўқотилган қатъий ҳисобда турувчи 0402005-шакл бланклар**
**БЕКОР ҚИЛИНГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ.**

| Патта рақами |
|---|
| 1986367, 1702665, 1702666, 1702667, 1702668, 1702669, 1702670, 1702671, 1702672, 1702673, 1702674, 1702675, 1900402, 1900406, 1900407, 1900419, 1900422, 1603402, 1603403, 1603404, 1603405, 1603406, 1603407, 1603408, 1603409, 1603410, 1603413, 1603414, 1603415, 1603416, 1603417, 1603418, 1603419, 1603420, 1603421, 1603422, 1603423, 1899408, 1899409, 1899410, 1899411, 1899412, 1899413, 1899414, 1899415, 1899416, 1899417, 1899418, 1899419, 1899420, 1899423, 1899424, 1899425, 1696240, 1696241, 1696243, 1696244, 1696250, 1572456, 1572457, 1572460, 1572461, 1572462, 1572463, 1572464, 1572465, 1572466, 1572467, 1572468, 1572469, 1572470, 1572471, 1572472, 1572473, 1572474, 1572475, 1968977, 1968978, 1968979, 1968980, 1968981, 1968982, 1968984, 1968985, 1968986, 1968987, 1968988, 1968989, 1968990, 1968991, 1968992, 1968993, 1968994, 1968995, 1968996, 1968997, 1968998, 1968999, 1969000, 1717297, 1717298, 1717299, 1941901, 1941902, 1941903, 1941904, 1941905, 1941906, 1941907, 1941908, 1941909, 1941910, 1941911, 1941912, 1941913, 1941914, 1941915, 1941916, 1941917, 1941918, 1941919, 1941920, 1941921, 1941922, 1941923, 1941924, 1941925, 1968548, 1968549, 1968550, 1941894, 1941895, 1941896, 1941897, 1941898, 1941899, 1941900, 1977704, 1603477, 1603478, 1603479, 1603500, 1833864, 1902424, 1902425, 1923314, 4210183, 4210187, 4210188, 4210189, 4210192, 4210193, 4210194, 4210198, 4210199, 4210200, 1188128, |
| Ушбу бланклар бўйича салбий ҳолатлар аниқланган тақдирда жамғарма кассалар бўлимига 150-48-65, 233-68-49 телефон рақамлари орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз. |

**АТИБ «Ипотека банк» Меҳнат филиали ёлланма-кассири М.Улуғбек туман электр тармоқлари назоратчиси С. Абдуллаев томонидан йўқотилган қатъий ҳисобда турувчи 0402005-шакл бланклар**
**БЕКОР ҚИЛИНГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ.**

| Патта рақами |
|---|
| 1651876, 1651876, 1651877, 1651878, 1651879, 1651880, 1651881, 1651882, 1651883, 1651884, 1651885, 1651886, 1651887, 1651888, 1651889, 1651890, 1651891, 1651892, 1651893, 1651894, 1651895, 1651896, 1651897, 1651898, 1651899, 1652000 |
| Ушбу бланклар бўйича салбий ҳолатлар аниқланган тақдирда жамғарма кассалар бўлимига 150-48-65, 233-68-49 телефон рақамлари орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз. |

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

**Маълумки, мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида давлатимизни янада равнақ топтириш, унинг куч-қудратини ошириб боришда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар муҳим роль ўйнамоқда. Ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама комил инсон этиб тарбиялаш, фарзандларимизнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, жамиятимизнинг ишончи ва таянчига айланиши учун барча шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда.**



2009 йил — Баркамол авлод йили

## ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ — РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

Бу борада юртимизнинг ҳар бир гўшасида жаҳон андозалари даражасида барпо этилаётган мактаблар, коллеж ва лицейлар, ижодиёт марказлари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари ёш авлоднинг салоҳиятини юксалтиришга, иқтидор ва истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилмоқда.

Пойтахтимиз марказида бутун атрофга кўрк бағишлаб турган — 28-мактабда ёш авлод камолоти учун яратилган қулайлик ва шарт-шароитлар бунга яққол мисол бўла олади.

2007 йилда бутунлай янгитдан қурилиб, кўзларни қувонтирадиган даражада қад ростлаган ушбу таълим-тарбия масканида ҳозирги кунда 2027 нафар ўқувчи таҳсил олади. Ёруғ, шинам, озода синф хоналари охирги русумдаги компьютерлар, химия, биология, физика фанлари ўқув-лаборатория хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланган. Мактабда ўз касбининг заҳматкаши бўлган 97 нафар устоз-мураббийлар ўқувчиларга билим сирларини пухта ўргатиб келмоқда.

— Ўқитувчиларимиз замонавий илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда дарс ўтади. Бу борада айниқса «Ақлий ҳужум», «Дўст излайман», «Баҳс-мунозара» каби интерфаол усуллардан фойдаланиб ўтказилаётган дарслар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. — дейди биз билан суҳбатда мактаб директори Дилдора Орипова. — Фан ойликлари давомида эса очиқ дарслар ва дарсдан ташқари тадбирлар уюштириб борилади. Натижалар таҳлил этилгач, энг яхши деб топилган фан ўқитувчиси моддий ва маънавий рағбатлантирилади. Мактабда бешта спорт, 21 та фан, 8 та турли қизиқиш бўйича тўгарак фаолият юритади.

Ушбу таълим даргоҳида ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги мулоқотлар, қизғин дарс жараёнлари мисолида «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг қанчалик изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётганини кўрдик. Ўқувчиларнинг мактаб, туман ва шаҳар миқёсида ўтказиладиган фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаётгани диққатга сазовор. «Йилнинг энг намунали мактаби» танловида мазкур мактаб шаҳарда ғолиб чиқиб, республика босқичига йўлланмани қўлга киритгани ҳам бу ерда ишлар бугунги кун талаби даражасида бораётганидан далолат беради.

— Жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган экан, бу борада энг катта масъулият устоз-мураббийлар зиммасига тушади, — деди суҳбатни давом эттириб директор. — Баркамол авлод йили ҳам эртамиз давомчиларига бўлган катта ишонч, эътибор ва ғамхўрликдан нишона. Биз, устозлар таълим бериш жараёнида ёшларни чуқур билим олишга, аниқ касб-ҳунарни эгаллашга йўналтиришимиз, жисмонан соғлом, маънавий етук, иқтидор ва истеъдод эгаси бўлиб вояга етишида камарбаста бўлишимиз керак.

Мактаб ҳаёти, ўқитувчи-мураббийлар салоҳияти, ўқувчилар онги-тафаккури, маънавиятини юксалтириш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида жон куйдириб сўзлаётган суҳбатдошимиз билан хайрлашар эканмиз, хаёлимизга улуғ боболаримиздан Юсуф Хос Ҳожибнинг «Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлар, билим қайда бўлса, буюклик бўлар» деган пурҳикмат сўзлари келди.

Дарҳақиқат, устозу мураббийларимизнинг фарзандларимизга сингдираётган билиму ўгитлари ҳам буюк ишдир. Демак, ривожланиш, юксалиш албатта бўлади.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТДА: 28-мактаб ҳаётидан лавҳа**

## КУНЧИҚАР МАМЛАКАТДА ШАРҚ ДУРДОНАСИ ТАҚДИМОТИ

**Мамлакатимизнинг Япониядаги элчихонаси ва хорижий мамлакатларни ўрганиш билан шуғулланувчи Сетагая уюшмаси XVIII Сетагая маданиятлараро алмашинув фестивали доирасида Ўзбекистон ва унинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимот маросимини ташкил этди. Тадбирда Сетагаянинг маъмурий бошқаруви, бир қатор хорижий мамлакатлар элчихоналари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.**

Тақдимот чоғида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий-ижтимоий ҳамкорликнинг кўп асрлик тарихига эга экани, айниқса, Буюк Ипак йўли равнақ топган йилларда ушбу алоқалар фаол ривожлангани таъкидланди. Икки мамлакат ўртасидаги давлатлараро ҳамкорлик Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг ўрнатилди, 2002 йилда эса "Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги декларация" ва "Иқтисодий ҳамкорлик ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга ёрдам бериш тўғрисида қўшма баёнот" имзоланди.

Тадбир меҳмонларига Ўзбекистоннинг қадимий тарихи, аксарияти ЮНЕСКОнинг "Бутунжаҳон мероси рўйхати"га киритилган меъморий ёдгорликлари, шунингдек, дунёнинг барча қитъаларидаги сайёҳларни ўзига ром этадиган Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби қадимий шаҳарлари ҳақида маълумотлар берилди. Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб тарихий ёдгорликларни асраш ва реконструкция қилиш, шунингдек сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш борасида режали тарзда чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистонга келаётган туристларнинг сони йилдан-йилга тобора ортмоқда. Бу борада айниқса, Токио ва Осака шаҳарларидан мамлакатимизга тўғридан-тўғри авиа қатновларининг мавжудлиги япониялик сайёҳлар учун жуда қулайдир.

Тақдимот якунлари юзасидан тадбир иштирокчилари ўз мулоҳазаларини билдиришди. Хусусан, **Сетагая уюшмаси Президенти Татсуко Кишида**нинг таъкидлашига кўра, Ўзбекистон улкан сайёҳлик салоҳияти ва ҳамон инсонлар тасаввурини лол қолдириб келаётган бебаҳо тарихий ёдгорликларга эгадир. Самарқанд, Бухоро, Хива каби бетакрор ансамблларини бунёд этган ўзбек меъморларининг маҳорати ҳақиқатан ҳам таҳсинга сазовор бўлиб, ўзига мафтун қилиши жиҳатидан жаҳон меъморчилигининг шоҳ асарлари сафидан жой олган.

**Уюшманинг фаол нозири Казуко Окуи** мазкур жамият 14 йилдан зиёдроқ вақтдан буён Ўзбекистон ва унинг сайёҳлик салоҳияти билан Япония жамоатчилигини таништириб келаётганини айтди. У шунингдек, Фарғона вилоятининг Риштон шаҳридаги "Норико Гакко" япон тили мактаб-тўгарагига ёрдам кўрсатиш ва ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида у ерга боришни режалаштираётгани ҳақида маълум қилди.

**"Сайю Трэвел" сайёҳлик компаниясининг менежери Масакадзу Окуи** японияликларнинг ушбу ғаройиб ўлкага бўлган қизиқиши сезиларли даражада ўсаётгани ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, Ўзбекистонга саёҳат уюштирувчи туристларнинг сони ошиб бораётганини қайд этди. Унинг фикрига кўра, бу каби тақдимотларнинг ўтказилиши япон жамоатчилиги орасида юртимизга боришни истовчилар сонининг ортишига хизмат қилади.

М.Окуи шунингдек, сўнгги пайтларда Оролбўйи воҳасига бориш иштиёқидаги сайёҳлар кўпаяётганини қайд этди, зеро, минтақадаги табиий офат япон фуқароларининг Орол фожеасига ҳамдардлигини уйғотади. У шунингдек минтақадаги табиий шароит барқарорлашувига умид билдирди ҳамда муаммони халқаро миқёсда ҳал қилиш зарурлигига эътибор қаратди.

Тадбир доирасида Ўзбекистоннинг тарихий қадамжолари фотокўргазмаси ташкил этилди ва меҳмонлар хилма-хил ўзбек таомларидан татиб кўришга таклиф этилди.

**"Жаҳон" АА.**
**Япония**

Оз-оз ўрганиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ҚОНУНИ БОСИТИЙ

Ёз фаслида қон олдиришдан қочиш керак. Зероки иссиқда қон эриб суюлиб, яхши ва ёмонлари аралаш бўлиб туради. Ва ундан буғлар ҳосил бўлади. Демак, агар қон олинса бу пайтда айнаган қондан кўра тоза қон кўпроқ чиқиб кетади. Яна қонга эргашиб табиий ҳарорат ва руҳ ҳам чиқиб кетади. Фақат, зарурат бўлгандагина оз миқдорда қон олдириш ва ўрта вақтда қон олдириш керак, яъни эрталабки ва кечки салқин вақтида олдириш керак. Бироқ эрталабки салқин яхшироқдир. Чунки туннинг салқинлик таъсири ҳамон турган бўлади.

Қон олдириб бўлгандан кейин баробарлаштирувчи нарсалардан ичиш керак. Чунки қоннинг ҳаракати сабабли кўтарилган буғларни сўндириш учун совуқ мизожли шарбатлардан, чунончи, зирк шарбати, лимон шарбати, ғўр узум суви, олча, олхўри ва қуритилган ўрик ивитмаси каби нарсалардан ичиш лозим. Бироқ бу риоялар ҳар бир фасл ўз табиатида барқарор тургандагина андиша қилинади. Агар фасллар ўз табиатида барқарор турмаса бу риоялар эътибордан четда қолади. Балки қайси фаслда бўлса ҳам ҳар бир шаҳарнинг иссиқ ёки совуқлигига қараб, шунга мувофиқ амал қилиш керак.

***Куз фасли тадбирлари***

Куз фаслида баданда қуруқлик пайдо қилувчи нарсалардан, шиддатли совуқ сувдан, совуқ жойда ухлашдан, кундузи қиём пайтидаги иссиқдан, эрталабки ва кечки совуқдан, ҳўл мева истеъмолидан парҳез қилиш керак. Куз фаслининг аввалроқ вақтида сурги, қон олиш каби бўшаниш амаллари қилинади. Баданда бироз ҳўллик пайдо қилувчи ва баданни бироз иситувчи овқатлардан истеъмол қилинади.

***Куз фаслининг мизожи***

Куз фаслида баданда қуруқлик пайдо қилувчи нарсалардан парҳез қилишнинг сабаби шуки, бу фаслнинг мизожи қуруқдир. Демак, бу фаслда яна қуруқлик зиёда қилувчи овқат ейилса, овқатнинг таъсири фаслнинг таъсирини кучайтириб, бадан мизожида кучли ўзгариш пайдо қилади. Ва бу сўз эса шубҳага ўрин беради. Чунончи, ҳеч шак йўқдирки, куз фаслига нисбатан ёз фаслининг мизожида қуруқлик ғолибдир. Чунки ёз ҳавосида иссиқлик кучли бўлади. Иссиқ ҳаво эса қуруқликни тақозо қилади. Демак, куз фаслида қуруқ мизожли овқатдан парҳез керак бўлса, ёз фаслида бундай овқатдан парҳез қилиш янада лозим бўлади.

Ваҳоланки, ёз фаслининг тадбирларида бундай парҳез шарт қилинмади, деб шубҳа қилиш мумкин. Лекин бу шубҳа биринчи қарашда бўладиган асоссиз шубҳалардан бўлиб, эътибордан соқитдир. Чунки ёз фаслида иссиқ ғолиб бўлса ҳам қуруқлик ғолиб бўлмайди. Зероки иссиқнинг таъсири билан хилтлар эриб оқиб туради ва унинг оқиб туриши қуруқликка қарши чора-тадбир бўлади. Яна ёз фаслида ҳўл мевалардан еб туриладики, булар ҳам ҳавонинг иссиғи ҳамда қуруқлигини созлаб турувчидир.

***Куз фаслида совуқ сув ичмаслик керак***

Куз фаслида шиддатли совуқ сувдан парҳез лозимлигига сабаб шуки, куз фаслининг ҳавоси совуқ бўлади. Ёз фаслининг ҳавосидан нафас олишга одат қилган кўкрак аъзолари, масалан, кекирдак, ўпка, томоқ, кўкрак пардаси, қон томирлари, пайлар, мушакларнинг аҳволидан куз фаслига ўтиб, совуқ ҳаводан нафас олиши сабабли ўзгариш ва айланиш юз беради, мазкур аъзоларда заифлик пайдо бўлади.

Маълумки, совуқдан заиф бўлиб турган томоқ ва кўкрак аъзоларига совуқ сув, албатта зарар қилади. Шунингдек, совуқ сувни куз фаслида ичиш қандай зарарли бўлса унда чўмилиш ундан ҳам зарарлироқ. Чунки совуқ сув баданнинг тешикларини беркитади ва рутубатни тарқашдан тўхтатади. Ҳарорат баданда қамалиб қолиб, бадандаги рутубатларни буғга айлантириб, мияга кўтаради. Бироқ бу буғлар мияда совуқ сувнинг таъсири билан совиб, яна сув ҳолига келиб, назла бўлади. Назлага оид касалликлар, чунончи, тумов, бош оғриғи юз беради. Назла кўзга тушса, кўр қилади. Ўпкага тушса, сил қилади ва без пайдо қилади, бўғинларга тушса бўғин оғриғини ҳамда оқма касалликларни пайдо қилади. Ҳароммағиз орқали умуртқа поғонасига таъсир қилса ҳадба, яъни букри иллатини пайдо қилади.

Демак, шиддатли совуқ сувнинг истеъмоли ва шиддатли қуруқ таомнинг истеъмоли, хусусан, кечаси еб, ҳазм бўлмасдан аввал ухлаш, гарчи бу барча фаслларда зарарли бўлса ҳам, хусусан, куз фаслида ортиқча зарар қилиб, айтилган касалликларни келтириб чиқаради.

Аммо салқин жойда ухлашдан, кундуз қиём вақтининг ҳароратидан, кечқурунги ва эрталабки салқиндан сақланиш ҳам назладан омон бўлиш учундир. Чунки совуқ ҳаво таъсири билан совиган хилтлар қиём вақтининг муваққат ҳарорати таъсир олиб эриса унда буғлар кўтарилишига сабаб бўлади. Совуқ жойда ухлаш, туннинг совуғига ва тонгнинг совуғига дучор бўлиш буғларнинг сув ҳолига келиб, назла ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Назладан эса айтиб ўтилган офатлар пайдо бўлади.

Аммо, тўқ ҳолда овқат ҳазм бўлмасдан ухлаш доимий мумкин эмас, хусусан, куз фаслида яна ҳам мумкин эмас, токи мия буғлар билан тўлмасин.

**(Давоми бор)**

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ тайёрлаган**

Спорт янгиликлари

## «ПАХТАКОР»НИНГ ҒАЛАБАСИ

**Хорижда мамлакат XIX миллий чемпионатига ҳозирлик кўраётган Мёдр Градолович бош мураббийлигидаги «Пахтакор» жамоаси футболчилари сўнгги назорат ўртоқлик учрашувини Украинанинг «Сталь» командаси билан ўтказишди.**

«Терек» жамоаси билан уюштирилган аввалги ўртоқлик учрашувида пахтакорчилар рақиблари билан муроса йўлини танлашган ҳамда дуранг натижани қайд этишган эди. Бу сафар эса устунлик ҳамшаҳарларимиз томонида бўлди. «Пахтакор» ҳимоячиси Шерзод Каримов томонидан дарвозага киритилган ягона гол тошкентликларга 1:0 ҳисобидаги ғалабани туҳфа этди.

## БАРАКАЛЛА, РАВШАН!

**АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида профессионал бокс бўйича ҳамюртимиз Равшан Худойназаров ва Кения вакили Шедрика Килроку ўртасида рейтинг жанги ўтказилди.**

Шуниси қувонарлики, 2008 йилдан профессионал боксда ўз фаолиятини бошлаган Равшан рақибини учинчи раунддаёқ мағлуб этишга муваффақ бўлди. Ҳамюртимизнинг кетма-кет аниқ ва кучли зарбаларига учраган кениялик чарм қўлқоп устаси беллашувни давом эттира олмади. Бу Равшаннинг профессионал боксдаги ўнинчи ғалабасидир.

**(Ўз мухбиримиз)**

Мутахассис огоҳлантиради

## ВИРУСЛИ ГЕПАТИТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ

**Вирусли гепатит — ўткир юқумли касаллик бўлиб, жигар фаолиятининг бузилиши ва организмда умумий интоксикация аломатлари билан кечади. Гепатитларни бир неча хилдаги вируслар келтириб чиқарганлиги сабабли уларнинг А, В, С, Д, Е турлари фарқланади. Гепатитнинг А ва Е турлари вируслар билан зарарланган сув, озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилганда, бемор ишлатган рўмолча, сочиқ, ўйинчоқлар, идиш-товоқлар ҳамда ифлос қўллар орқали юқиши мумкин. В, С, Д турлари эса қон орқали тиббий муолажалар натижасида юқади.**

Одам организмига вирус тушгандан сўнг, касалликнинг яширин даври бошланиб, 14-35 кун давом этиши мумкин. Кейинги давр касалликнинг авж олиши ҳисобланиб, бунда беморда кўнгил айниши, ҳолсизлик, иштаҳасизлик, тери ва шиллиқ қаватларининг сарғайиши, ўнг қовурға ёйи остида оғриқ, сийдик рангининг тўқлашуви, нажаснинг рангсизланиши кузатилади. Гепатитларда моддалар алмашинуви, ҳазм қилиш, заҳарли моддаларни зарарсизлантириш жараёнлари бузилади, бунда барча аъзолар зарар кўради.

Шуни айтиш жоизки, гепатитларда жараённинг сурункалашуви, шунингдек жигар циррози ва жигар саратони каби даҳшатли асоратларнинг ривожланиши айниқса хавфли.

Гепатит вируслари беморда сариқлик юзага келмасдан анча олдин ташқи муҳитга ажралиб чиқади. Айни шу даврда касалликнинг юқиш даражаси юқори бўлади. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳри аҳолиси учун гепатитнинг А тури долзарб ҳисобланиб, 3 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар орасида кўп учрамоқда.

Касалликнинг олдини олишда энг самарали усул эмланиш ҳисобланади. Бугунги кунда А ва В гепатитининг олдини олиш учун вакциналар ишлаб чиқилган. Тошкент шаҳрида 2001 йилдан бошлаб гепатитнинг В турига қарши эмлаш ишлари йўлга қўйилганлиги сабабли, касаллик болалар ўртасида қайд этилмаяпти. Шаҳримиздаги мавжуд эмлаш марказларида гепатитнинг А турига қарши ҳам эмланишга имконият яратилган.

Вирусли гепатитнинг А турининг олдини олиш чоралари бошқа ичак инфекцияларидагидек содда ва ҳар бир одам томонидан ўтказилиши осон. Бироқ касалликка чалинмаслик учун профилактика чораларига қатъий риоя қилиш лозим. Бунда асосан шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, жумладан, қўлларни тоза тутиш катта аҳамиятга эга.

Мева, сабзавот, кўкатларни тозалаб ювиб истеъмол қилиш, болаларга бериладиганларини қайнаган сув билан ювиш лозим.

Мослаштирилмаган сув ҳавзаларида чўмилмаслик, дарё ва каналлар қирғоқларини ифлослантирмаслик керак.

Хоналарни доимо тоза тутиш, чиқиндиларни ўз вақтида чиқариб ташлаш, пашшаларга қарши аёвсиз кураш касалликнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга.

Гепатитнинг В ва С турларининг олдини олишда муолажа вақтида бир марталик тиббий анжомлардан фойдаланиш зарур.

Касалликнинг аломатлари кузатилганда дарҳол шифокорга мурожаат қилинг. Соғлиғингизга бефарқ бўлманг!

**Дилшод АЛИМУҲАМЕДОВ,**
**Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи**



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4203 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5

Буюртма Г- 106

Топширилган вақти: 13.40